



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2020 yil « 10 » июль

№ПК-4779

Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини мамлакат иқтисодиётига кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига электр энергияси ва нефть-газ маҳсулотларининг узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

2020 йил 1 августдан ҳудудий электр тармоқлари корхоналари томонидан электр энергиясини янги ишга тушириладиган қуёш, шамол, биогаз электр станциялари, қуввати 1 МВт гача бўлган микро ва кичик гидроэлектрстанциялардан, шу жумладан ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилган ортиқча электр энергиясини кафолатланган тарзда сотиб олиш бўйича тариф сотиш, тарқатиш ва етказиб бериш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда II тариф гуруҳи истеъмолчилари даражасида белгиланади;

саноат қўламидаги (1 МВт ёки ундан ортиқ) қайта тикланувчи энергия манбалари (гидроэлектрстанциялардан ташқари) соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун потенциал инвесторларни аниқлаш шаффоф аукцион (танлов) савдолари орқали амалга оширилади;

2020 йил 15 июлдан 31 декабргача 750 кВАгача бўлган қувватда уланган ҳамда қўшимча учинчи сменани ташкил этган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи истеъмолчилар (Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича) учун тунги давр –

сутканинг қоронғи даврида (ягона электр энергетика тизимининг соат 22.00 дан 24.00 гача ва соат 00.00 дан 06.00 гача бўлган минимал юкламалар соатларида) фойдаланилган электр энергияси бўйича ҳисоб-китобларда белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда камайтириш коэффициенти қўлланилади;

юридик шахслар томонидан табиий газ ва электр энергияси учун олдиндан тўлов киритиш тўғрисидаги мажбурий талабни 30 фоизгача камайтириш имконияти давлат корхоналари ва устав капиталидаги давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга татбиқ этилмайди;

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ва маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда потенциал инвесторларни жалб қилиш масаласини ўрганиш учун ахборотни ўз расмий веб-сайтида жойлаштириш ҳамда фойдаланиш мумкин бўлган бошқа расмий усуллар ёрдамида тарқатиш, шу жумладан бизнес-тадбирларда иштирок этиш ва хорижда “road-show”лар ўтказиш орқали тизимли асосда, бироқ йилига камида бир маротаба белгиланган қуввати 1 МВт гача бўлган микро ва кичик гидроэлектростанциялар портфелини шакллантиради.

2. Қуйидагилар:

3,3 млрд кВт соат электр энергияси, 2,6 млрд м³ табиий газ ва 16,5 минг тонна нефть маҳсулотларини тежашни назарда тутувчи **2020–2022 йилларда иқтисодиёт тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашнинг мақсадли параметрлари** 1-иловага мувофиқ;

Иқтисодиёт тармоқларининг йирик энергия сарфловчи корхоналарида энергия самарадорлигини ошириш ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича “Йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ;

Ёқилғи-энергетика ресурслари жами йиллик истеъмоли икки минг тоннадан ортиқ шартли ёқилғи ёки бир минг тоннадан ортиқ мотор ёқилғиси бўлган корхоналарни мажбурий энергетик текширувдан (энергия аудитидан) ўтказишнинг 2021–2022 йиллар даврига мўлжалланган жадвали 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирликлар, идоралар ва хўжалик ташкилотларининг биринчи раҳбарларига ушбу қарор билан тасдиқланган ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашнинг мақсадли кўрсаткичлари ва мажбурий энергетик текширувлар ўтказиш жадвалини бажариш юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

3. “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармасини (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этиш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг тузилмасига киради ва давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади.

4. Қуйидагилар:

Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармасининг тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси Кузатув кенгашининг таркиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобига нефть-газ ва электр энергетикаси тармоқлари корхоналарининг соф фойдасидан 5 фоиз миқдоридаги ўтказмалар;

энергияни меъёрдан ортиқча истеъмол қилганлик учун корхоналарга қўлланиладиган оширилган тарифлардан тушумлар;

ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишда аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича ундирилган иқтисодий санкциялар суммасининг 20 фоизи;

кредитлар бериш ва Жамғарманинг бошқа молиявий-хўжалик фаолиятидан олинган фойда;

халқаро молия институтларининг грантлари ва кредитлари ҳамда донор ташкилотлари маблағлари;

жамғарма активларини бошқариш, шу жумладан бўш маблағларни банк муассасаларида депозит сифатида жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

тузилган шартномага мувофиқ молиявий қўллаб-қувватлашдан олинган фойданинг бир қисми, бунда унинг суммаси кўрсатилган хизматлар суммасининг йигирма беш фоизидан ошмаслиги лозим;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

6. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари:

бинолар ва кўп квартирали уйларда энергия самарадор технологиялар ва тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини жорий этган ҳолда уларнинг энергия самарадорлигини ошириш, шу жумладан иссиқлик ҳимоясини яхшилаш бўйича лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишини тайёрлашни молиялаштириш, шунингдек энергия аудитини ўтказиш;

энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш йўналишида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув марказлари ташкил этиш (бино ва иншоотларни қуришдан ташқари) ва семинарлар ўтказиш;

қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмалари, иссиқлик насослари, рекуператорлар, реактив қувватни тикловчи қурилмалар (конденсатор батареялари), реле ҳимояси учун микропроцессор блоклари, частотали ўзгартиргичлар ва бир текис ишга тушириш қурилмаларини ишлаб чиқариш бўйича стартап-лоийҳаларни молиялаштириш, ишлаб чиқариш корхоналарининг устав жамғармалари (капиталлари) ҳамда корхоналарнинг лойиҳаларини шакллантиришда иштирок этиш;

Жамғарманинг ижро этувчи дирекциясини таъминлаш, унинг ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, уларни моддий рағбатлантириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4422-сон қарорининг 6-бандида кўрсатилган тадбирларни ўтказиш;

хўжалик юритувчи субъектларда энергия аудити ўтказиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

шаҳар транспортининг ёқилғи-энергетика самарадорлигини яхшилаш, шунингдек, энергия харажатларини камайтириш учун транспорт оқимларини ахборот ва имитацион моделлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича инновацион тадбирларни ўтказишга йўналтирилади.

Энергетика вазирлиги бир ой муддатда бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Энергетика вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини энергетик текширувлардан ўтказиш қоидаларини қабул қилиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин:

энергетика текширувларини (энергия аудитини) ўтказишни рағбатлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

энергия аудиторини танлашнинг бозор механизмини жорий этиш;

тарифларни тартибга солиш, шу жумладан энергия аудити якуналарига кўра тавсияларни бажармаган корхоналар учун энергияни меъёрдан ортиқча истеъмол қилганлик учун оширилган ставкаларни қўллашнинг самарали механизмини яратиш;

б) икки ой муддатда 285 та йирик саноат корхонасида энергия аудитини ўтказиш учун етакчи компаниялар (маҳаллий ва халқаро) жалб қилинишини таъминласин ва ушбу корхоналар рўйхатини кенгайтириш масаласини кўриб чиқсин.

8. Энергия самарадорлигини ошириш бўйича ишларни ташкиллаштиришни жадаллаштириш, энергия тежайдиган технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш мақсадида икки ой муддатда:

а) Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурсларининг сарфланишини нормалаштириш тўғрисидаги низомни;

Қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида аукцион савдоларини ўтказиш регламентини;

б) Энергетика вазирлиги:

Қайта тикланувчи энергия манбаларида ишлаб чиқарилган энергияни ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ҳисобга олиш регламентини;

Қайта тикланувчи энергия манбаларнинг кичик объектларидан электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги шартноманинг намунавий шаклини;

Қайта тикланувчи энергия манбаларида ишлаб чиқарилган энергия ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини сертификатлаштириш регламентини;

Саноат кўламидаги фотоэлектрик қуёш электр станцияларини жойлаштириш регламентини тасдиқласин.

9. Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

а) уч ой муддатда Энергетика вазирлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи автоматлаштирилган Ягона ахборот тизимини (кейинги ўринларда – Ягона ахборот тизими) яратиш бўйича техник топшириқни ишлаб чиқсин:

йирик саноат корхоналари ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш;

энергия ишлаб чиқарувчиларнинг (йирик истеъмолчиларнинг) идентификация рақамини онлайн-режимда бериш ва ишлаб чиқарилган (истеъмол қилинган) энергия бўйича тегишли ҳисоботларни электрон шаклда юборишнинг соддалаштирилган механизми;

ишлаб чиқарилган (истеъмол қилинган) энергияни ҳисобга олиш маълумотларини автоматик тарзда йиғиш, тизимлаштириш ва таҳлил қилиш, шунингдек, йирик саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини аниқлаш;

қайта тикланувчи энергетика соҳасида реверс аукцион онлайн-савдоларини ўтказиш учун ҳимояланган савдо майдончасини яратиш;

б) 2021 йил якунигача ишлаб чиқариш ҳажми ва молиявий кўрсаткичларни ўз ичига олган зарур ахборотларнинг тармоқлараро электрон алмашувини назарда тутган ҳолда Ягона ахборот тизимининг ишга туширилиши ва Электрон ҳукумат билан интеграциялашувини таъминласин;

в) Ягона ахборот тизимидан олинган таҳлилий маълумотлар асосида юқори энергия истеъмолига эга корхоналарни мажбурий энергия аудитидан ўтказиш механизминини жорий этсин;

Ягона ахборот тизимини яратиш ва ишга тушириш доирасида қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги буюртмачи этиб;

Жамғарма маблағлари, халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

10. Энергетика вазирлиги Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда:

уч ой муддатда намунавий уйлар ва ижтимоий объектларда иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича қуёш тизимларини ўрнатиш, шунингдек, жамоат биноларида энергия самарадорлигини ошириш бўйича мақсадли дастурни ишлаб чиқсин;

жорий йилнинг 1 августидан кўп қаватли уйларни қуриш ва лойиҳалаштириш доирасида замонавий энергия тежайдиган материаллар, энергия самарадор технологияларни қўллаш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича назорат қилиш тизимини жорий этсин. Шаҳарларда кўп қаватли тижорат уйларини қуришда мазкур талаблар мажбурий равишда қўллансин.

11. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Қурилиш вазирлиги маҳаллий ҳокимият органлари ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда икки ой муддатда қуйидагилар бўйича мақсадли дастурни тасдиқлашни назарда тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

2020–2022 йилларда республиканинг барча ҳудудларида биноларнинг иссиқлик ҳимоясини ошириш, энергия тежайдиган технологиялар, шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини жорий этиш ҳисобига кўп қаватли турар-жойларда иситиш ва совутиш эҳтиёжлари учун энергия истеъмолини пасайтириш;

табiiй газ истеъмолини пасайтириш мақсадида республикадаги қозонхоналарда сув иситиш учун энергия самарадор қуёш тизимларини ўрнатиш.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги мақсадли дастурларни амалга ошириш учун зарур маблағларнинг ҳисоб-китоблари тақдим этилишига қараб халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукумат молия ташкилотларининг имтиёзли кредит ресурслари, хорижий донорларнинг техник кўмак воситалари (грантларини) жалб қилинишини белгиланган тартибда таъминлансин.

12. Бош вазир ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А.Қўчқоров ва Энергетика вазирлиги (Султанов):

а) Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда жаҳон бозорида нархларнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда нефть-газ ва электр энергетикаси соҳаси корхоналари ўртасидаги ўзаро харид нархлари ва даромад тақсимоти схемасини қайта кўриб чиқсин;

б) Қурилиш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, илғор жаҳон тажрибаси асосида энергияни тежаш ва энергия самарадорлик соҳасидаги қонун ҳужжатларини хатловдан ўтказсин ва 2020 йил 1 ноябргача:

қайта тикланувчи энергия манбаларининг энергия самарадорлиги соҳасини жадал ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратувчи механизмлар;

иқтисодиёт тармоқлари, бино ва иншоотлар, шунингдек, ижтимоий соҳада энергия тежамкорлиги ва энергия самарадорлигини таъминлаш нормаларини белгиловчи “Энергия тежамкорлиги ва энергия самарадорлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Белгилансинки, иқтисодиёт тармоқларининг энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш, шунингдек, иқлим ўзгаришининг оқибатларига мослашиш ва уларни юмшатиш, табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва табиий экотизимларни муҳофаза қилиш бўйича барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан давлат ривожлантириш дастурлари ва инвестиция дастурлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан мажбурий равишда келишилиши лозим.

14. Иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини қисқартириш бўйича вазифаларни самарали мувофиқлаштириш ва бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Саноат ва унинг базавий тармоқларини ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари департаменти тузилмасига энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича бош мутахассиснинг битта қўшимча штат бирлиги киритилсин.

15. Энергетика вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**2020-2022 йилларда иқтисодий тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашнинг
мақсадли параметрлари**

№	Ташкилот номи	Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш прогнози, шу жумладан:								
		табiiй газ (млн куб.м)			электр энергияси (млн кВт.с)			нефть маҳсулотлари (тонна)		
		2020 й.	2021 й.	2022 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Умумий		2 595,31			3 263,04			16 556,24		
Жами		981,69	743,3	870,32	907,16	1 500,93	854,95	5 483,11	5 815,85	5 257,28
1.	“Ўзбекнефтгаз” АЖ	19,72	20,62	21,87	24,66	24,61	24,71	317,46	295,45	326,55
2.	“Ўзтрансгаз» АЖ	33,86	14,64	16	10,57	4,4	18,3	50,70	22,81	24,9
3.	“Худудгазтаъминот” АЖ	5,74	5,5	6,01	0,1	0,12	0,15	124,80	117,99	130,53
4.	“Иссиқлик электр станциялари” АЖ	865,55	643,64	761,5	154,13	137,68	155,7	1 133,10	1 169	1 213,2
5.	“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ	-	-	-	4,35	10,15	9,72	-	-	-
6.	“Худудий электр тармоқлари” АЖ	-	-	-	360,8	537,1	487,1	-	-	-
7.	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ	-	-	-	0,45	0,34	0,4	-	-	-
8.	“Ўзбекқумир” АЖ	-	-	-	5,4	5,3	4,9	550	400	400
9.	“Ўзкимёсаноат” АЖ	10,95	11,55	20,95	138	640,63	13,55	115,6	136,9	219
10.	“Навоий КМК” АЖ	1,03	0,59	3,7	72,7	6,62	9,77	2102,2	2305,3	1 461,7
11.	“Олмалиқ КМК” АЖ	3,871	4,26	6,23	29,6	30,17	34,19	651,5	949	1 094
12.	“Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ	1,46	1,33	0,94	11,07	12,64	10,97	17,05	19	20
13.	“Ўзиккиламчиранглиметалл” АЖ	0,2	0,1	0,1	0,14	0,14	0,05	7,4	9,7	8,3
14.	“Ўзавтосаноат” АЖ	0,57	0,61	0,6	11,55	12,06	11,02	116,4	118,8	120,8
15.	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ	0,1	0,1	0,1	0,46	0,23	0,44	35,3	13,4	15,8
16.	“Ўзмахсусмонтажқурилиш” АК	-	-	-	3,8	4	4	13,6	15	15
17.	“Ўздонмаҳсулот” АК	0,07	0,08	0,08	6,2	5,6	4,8	11,3	11,8	10,3
18.	“Ўзбекизоқиқовқатхолдинг” ХК	1,5	2,14	1,66	3,2	2,58	3,36	3,6	3,8	2
19.	“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси	-	-	-	30,3	31,6	30,29	-	-	-
20.	“Ўзёғмойсаноат” уюшмаси	2,91	2,32	2,65	3,22	2,69	2,63	-	-	-
21.	“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси	0,16	0,14	0,14	1,53	0,53	0,44	2,2	0,8	0,8
22.	“Ўзчармсаноат” уюшмаси	-	-	-	0,71	0,69	0,67	-	-	-

№	Ташкилот номи	Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш прогнози, шу жумладан:								
		табiiй газ (млн куб.м)			электр энергияси (млн кВт.с)			нефть маҳсулотлари (тонна)		
		2020 й.	2021 й.	2022 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
23.	“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси	28,7	30,3	22,4	31,5	28,4	25,2	228,9	225,1	192,4
24.	“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси	-	0,077	0,091	0,04	0,05	0,07	-	-	-
25.	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимининг иссиқлик таъминоти корхоналари	5,3	5,3	5,3	2,68	2,6	2,52	2	2	2

Иқтисодиёт тармоқларининг йирик энергия сарфловчи корхоналарида энергия самарадорлигини ошириш ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича “Йўл харитаси”

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъуллар	
				Ижро учун	Назорат учун
1.	Қишлоқ хўжалиги техникасини муқобил ёқилғига босқичма-босқич ўтказиш.	<p>1. Газ ва газ-дизель ускуналари билан жиҳозланган қишлоқ хўжалиги техникаларининг хавфсизлиги бўйича стандартлар ва талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. 2025 йилгача мақсадли параметрларни тасдиқлаган ҳолда қишлоқ хўжалиги техникасини сиқилган табиий газ ёқилғисидан фойдаланишга ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.</p> <p>3. Газ-дизель ёқилғисидан ишлайдиган тракторларни ишлаб чиқариш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш. Газ-дизель ускуналари (ГДУ) етказиб берувчисини аниқлаб, ГДУ ўрнатиш учун трактор моделини аниқлаш. ГДУ асосида ишлайдиган тракторнинг синов намунасини яратиш.</p> <p>4. Қишлоқ хўжалиги техникасини тупроқ-иқлим шароитида синовдан ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва серияли ишлаб чиқариш учун тавсиялар олиш.</p>	<p>2020 йил август</p> <p>2020 йил август</p> <p>2020 йил сентябрь</p> <p>2020 йил декабрь</p>	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ш. <i>Ходжаев</i>), “Ўзстандарт” агентлиги (Д. <i>Саттаров</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси (Д. <i>Кучкаров</i>)

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъуллар	
				Ижро учун	Назорат учун
2.	Газ ёқилғисига мослаштирилган тижорат ва юк автомобилларини ишлаб чиқаришни ишга тушириш.	<p>1. Тижорат техникаларини газ-дизель тизимларига ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.</p> <p>2. “Синотрак” юк автомобилларини газ ёқилғисига ўтказиш масаласини ўрганиш.</p> <p>3. Газ ёқилғисига ишловчи 1000 дона “Синотрак” юк автомобилларини ишлаб чиқариш.</p>	<p>2020 йил июль</p> <p>2020 йил декабрь</p> <p>2020 йил декабрь</p>	“Ўзавтосаноат” АЖ (Ш. Умурзаков)	Вазирлар Маҳкамаси (Ш. Саматов)
3.	3 та пропан-бутанли аралашмалар ва синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш бўйича заводни ишга тушириш.	Кўшимча 180 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқариш учун “Ўзбекнефтгаз” АЖ ишлаб чиқариш объектларида (МГҚИЗ, Шўртан НГҚЧБ, Газли НГҚЧБ) янги қувватларнинг ишга туширилишини таъминлаш.	2020 йил декабрь	“Ўзбекнефтгаз” АЖ (М. Абдуллаев)	Энергетика вазирлиги (А. Султанов)
4.	Нефть базаларида нефть маҳсулотларини автоматлаштирилган тарзда назорат қилиш ва ҳисобга олиш, шунингдек, конлар технологик узеллари, қазиб олиш жойлари ва газ қувурларида газ сизиб чиқишини бартараф этиш механизмини жорий этиш.	<p>1. Газ сизиб чиқиши мавжудлиги ва уни бартараф этиш масаласи юзасидан конлар ва қазиб олиш жойларининг технологик узеллари, газ қувурларини аудитдан ўтказиш.</p> <p>2. “Ўзбекнефтгаз” АЖ нефть базаларида нефть маҳсулотларини автоматлаш-тирилган тарзда назорат қилиш ва ҳисобга олиш тизимини жорий этишни назарда тутувчи “нефть базалари фаолиятини автоматлаштириш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	<p>2020 йил октябрь</p> <p>2020 йил декабрь</p>	“Ўзбекнефтгаз” АЖ (М. Абдуллаев), “Ўзтрансгаз” АЖ (У. Сайидов)	Энергетика вазирлиги (А. Султанов)

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъуллар	
				Ижро учун	Назорат учун
5.	Айрим турдаги ускуналар учун энергия истеъмолининг минимал стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	<p>1. Айрим турдаги ускуналар учун энергия истеъмолининг минимал стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш механизми бўйича халқаро тажрибани ўрганиш.</p> <p>2. Энергия самарадорлигини таъминлашни инobatга олган ҳолда айрим турдаги ускуналар учун энергия истеъмолининг минимал стандартлари бўйича тармоқ меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Энергия самарадорлигини таъминлашни инobatга олган ҳолда айрим турдаги ускуналар учун энергия истеъмолининг минимал стандартларини жорий этиш ҳамда меъёрий ҳужжатларни келишиш ва тасдиқлаш.</p>	<p>2020 йил сентябрь</p> <p>2020 йил октябрь</p> <p>2020 йил декабрь</p>	<p>“Ўзстандарт” агентлиги (Д. Саттаров), Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Б. Абдиназаров), Энергетика вазирлиги (А. Султанов), Ўзнефтгазинспекция (Н.Агзамов), Ўзэнергоинспекция (У. Эгамбердиев), вазирлик ва идоралар</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси (Д. Кучкаров)</p>
6.	Иқтисодиёт тармоқлари ва фаолият турлари бўйича иқтисодиётнинг энергия сарфини 2030 йилга 1,5 баробарга камайтиришни назарда тутувчи энергияни тежаш ва энергия самарадорлигини ошириш соҳасидаги дастурларни ишлаб чиқиш.	<p>1. Энергияни тежаш ва энергия самарадорлигини ошириш соҳасидаги мақсадли кўрсаткичларни кўрсатган ҳолда вазирлик ва идоралар томонидан дастурларни ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Энергияни тежаш ва энергия самарадорлигини ошириш соҳасидаги ишлаб чиқилган дастурни келишиш учун Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш.</p>	<p>2020 йил ноябрь</p> <p>2020 йил декабрь</p>	<p>Энергетика вазирлиги (А. Султанов), Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Б. Абдиназаров), вазирлик ва идоралар</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси (Д. Кучкаров, Ш.Саматов)</p>

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъуллар	
				Ижро учун	Назорат учун
7.	<p>Юқори энергия истеъмолига эга 285 та саноат корхоналарида энергия самарадорлиги даражасини ўрганиш учун энергетика аудиторлик ташкилотларини (маҳаллий ва халқаро) жалб қилиш.</p>	<p>1. Энергетика аудити ва тендерлар ўтказиш учун техник топшириқ лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Тендер натижаларига кўра хизматлар кўрсатишга шартномалар тузиш. 3. Энергетика аудити ва техник экспертиза ўтказишни молиялаштириш тўғрисида халқаро молия институтлари билан музокаралар ўтказиш.</p>	<p>2020 йил август 2020 йил август 2020 йил сентябрь</p>	<p>Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Б. Абдиназаров), Энергетика вазирлиги (А. Султанов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш. Вафоев), манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси (Д. Кучкаров, Ш. Саматов)</p>
8.	<p>“Худудий электр тармоқлари” АЖ ва унинг таркибига кирувчи худудий электр тармоқлари корхоналарининг бошқарув тизимини такомиллаштириш, шу жумладан худудий электр тармоқлари корхоналарини “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг худудий функционал филиаллари этиб қайта ташкил этиш бўйича комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан ташкил этилаётган филиалларни давлат рўйхатидан ўтказиш.</p>	<p>1. “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва унинг таркибига кирувчи худудий электр тармоқлари корхоналарининг бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш. 2. Худудий электр тармоқлари корхоналарини “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг худудий функционал филиаллари этиб қайта ташкил этиш бўйича комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан ташкил этилаётган филиалларни давлат рўйхатидан ўтказиш.</p>	<p>2020 йил октябрь</p>	<p>Давлат активларини бошқариш агентлиги (С. Бекенов), Энергетика вазирлиги (А. Султанов), “Худудий электр тармоқлари” АЖ (У. Мустафоев)</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси (Д. Кучкаров)</p>

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъуллар	
				Ижро учун	Назорат учун
9.	Қишлоқ жойларида ва республиканинг олис ҳудудларида иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича қуёш тизимларини ўрнатиш юзасидан мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	<p>1. 2021–2023 йилларда қишлоқ жойларида ва республиканинг олис ҳудудларида жамлаш тизимига эга кичик фотоэлектр қуёш станцияларини ва энергия самарадор қуёш сув иситгичларини ҳар йили камида 1 минг донадан ўрнатиш бўйича мақсадли дастурни ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>2. Танлов савдолари шаффофлиги, қайта тикланувчи энергия манбаларининг замонавий қурилмаларини жорий этиш ва жалб қилинган кредитларнинг қайтарилиши кафолатланганлигини бўйича масалаларни ҳал қилишни инobatга олган ҳолда мақсадли дастурни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Мақсадли дастурни амалга оширишни, шу жумладан халқаро молия институтларининг грантлари ва кредитларини жалб қилиш ҳисобига молиялаштириш манбаларини аниқлаш.</p> <p>4. Қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини етказиб бериш, “тайёр ҳолда топшириш” шarti асосида ўрнатиш ва уларга хизмат кўрсатишга танлов савдоларини босқичма-босқич эълон қилиш.</p> <p>5. Мақсадли дастурни амалга ошириш.</p>	<p>2020 йил октябрь</p> <p>2020 йил октябрь</p> <p>2020 йил ноябрь</p> <p>2021 йил декабрь</p>	<p>Энергетика вазирлиги (А. Султанов), Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров), Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Б. Абдиназаров), Молия вазирлиги (Т. Ишметов)</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси (Д. Кучкаров, Ш. Саматов)</p>

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъуллар	
				Ижро учун	Назорат учун
10.	Пассив уйлар, бинолар ва иншоотлар қурилишини тартибга солувчи шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	<p>1. Немис Пассив уйлар институти (PHI) билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, пассив уйлар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун шаҳарсозлик нормаларини биргаликда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Қурилиш вазирлиги ҳузурида лойиҳалаштирувчи ва қурувчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича марказни ташкил этиш ҳамда 2022 йил 1 январдан бошлаб компьютер ёрдамида моделлаштириш дастурини қўллаб, энергия самарадор ва пассив уйларнинг сертификатланган лойиҳалаштирувчилари ва қурувчиларини тизимли асосда тайёрлашни йўлга қўйиш.</p>	<p>2021 йил декабрь</p> <p>2021 йил декабрь</p>	Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров)	Вазирлар Маҳкамаси (А. Раматов)
11.	Ижтимоий соҳа объектларида қайта тикланувчи энергия манбаларини ўрнатиш бўйича мақсадли дастурни ишлаб чиқиш.	<p>1. Объектларнинг техник параметрларини инобатга олган ҳолда қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмалари билан жиҳозланиши лозим бўлган ижтимоий-иқтисодий объектларнинг рўйхатини тузиш.</p> <p>2. Қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмалари билан жиҳозланиши лозим бўлган ижтимоий-иқтисодий объектларнинг рўйхатини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш.</p>	<p>2020 йил ноябрь</p> <p>2020 йил декабрь</p>	Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шадманов) Мактабгача таълим вазирлиги (А. Шин), Халқ таълим вазирлиги (Ш. Шерматов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Вазирлар Маҳкамаси (А. Раматов, Б. Мусаев)

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъуллар	
				Ижро учун	Назорат учун
				(И. Маджидов), Энергетика вазирлиги (А. Султанов)	
12.	Германия ҳукумати билан Турар-жой объектлари энергия самарадорлигини ошириш жамғармасини ташкил этиш ҳамда 100 млн евро миқдордаги имтиёзли молиялаштиришни жалб қилиш ҳақида битим тузиш.	Турар-жой объектлари энергия самарадорлигини ошириш жамғармасини ташкил этиш учун 100 млн евро миқдорида имтиёзли молиялаштиришни ажратиш бўйича Германия ҳукумати билан музокаралар ўтказиш.	2020 йил декабрь	Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш. Вафоев)	Вазирлар Маҳкамаси (Д. Кучкаров, С. Умурзаков)
13.	Ижтимоий соҳа объектларининг энергия самарадорлигини ошириш учун Жаҳон банкининг 143 млн АҚШ доллари миқдордаги маблағларини жалб қилиш.	Ижтимоий соҳа объектларининг энергия самарадорлигини ошириш учун 143 млн АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратиш бўйича Жаҳон банки билан музокаралар ўтказиш ва қарз битимларини расмийлаштириш.	2020 йил декабрь	Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шадманов), Мактабгача таълим вазирлиги (А. Шин), Халқ таълим вазирлиги (Ш. Шерматов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маджидов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш. Вафоев)	Вазирлар Маҳкамаси (Д. Кучкаров, Б. Мусаев)

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъуллар	
				Ижро учун	Назорат учун
14.	Республикада электрмобиллар учун хизмат кўрсатиш инфратузилмаси, шу жумладан зарядлаш станциялари ва сервис марказларини ташкил этишни рағбатлантириш.	<p>1. Ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш асосида таҳлилий материал тайёрлаш ва электрмобиллар учун инфратузилма яратиш бўйича аниқ таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>2. Электрмобилларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари яратиладиган аниқ жойлар (нуқталар) бўйича ўрганиш ўтказиш ва аниқ таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>3. “Ўзбекнефтгаз” АЖ маблағлари ҳисобига Тошкент шаҳрида иккита тезкор зарядлаш тизимларининг (МЭК 61851-1-Mode 4 стандарти бўйича) ўрнатилиши ва ишлашини таъминлаш.</p>	<p>2020 йил сентябрь</p> <p>2020 йил сентябрь</p> <p>2021 йил январь</p>	<p>Энергетика вазирлиги (А. Султанов), Инновация вазирлиги (И. Абдурахмонов), Транспорт вазирлиги (Э Ғаниев), манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси (Д.Кучкаров, Ш.Саматов)</p>
15.	Водород энергетикасини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли миллий стратегияни ишлаб чиқиш.	<p>1. Водород ёқилғисидан фойдаланиш истиқболлари, кадрлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларни рағбатлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.</p> <p>2. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан “яшил водород”ни ишлаб чиқиш имкониятини ўрганиш ва Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритиш.</p> <p>3. Водород энергетикасини ривожлантириш бўйича миллий стратегияни ишлаб чиқиш.</p>	<p>2020 йил август</p> <p>2021 йил май</p> <p>2021 йил декабрь</p>	<p>Инновация вазирлиги (И. Абдурахмонов), Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Б. Абдиназаров), Энергетика вазирлиги (А. Султанов), Фанлар академияси (Б. Юлдашев)</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси (Д.Кучкаров)</p>

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъуллар	
				Ижро учун	Назорат учун
16.	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 9-уйда жойлашган “Савдоэнерго” АЖ ишлаб чиқариш ҳудудини “Энерго РЭС” МЧЖ корхонасига баланс (қолдиқ) қийматида бериш, шунингдек, унда электр энергиясини етказиб беришда авария, таъмирлаш ва реконструкция ишлари учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш.	<p>1. Ишлаб чиқариш ҳудудини бериш бўйича акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш.</p> <p>2. Ишлаб чиқариш ҳудудига бўлган ҳуқуқларни қайта рўйхатдан ўтказиш.</p> <p>3. Электр энергиясини етказиб беришда авария, таъмирлаш ва реконструкция ишлари учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш бўйича лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p>	2020 йил август	Энергетика вазирлиги (А. Султанов), Давлат активларини бошқариш агентлиги (С. Бекенов), “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ (У. Мустафоев)	Вазирлар Маҳкамаси (Д. Кучкаров, Ш. Саматов)
17.	Жаҳон банки кредит линияларини жалб қилиш ҳисобига “ақли” ҳисоблагичларни ўрнатиш ва иссиқлик трассалари участкасидаги қувурларни энергия тежайдиган қувурларга алмаштириш билан Чирчиқ шаҳридаги 15 та кўп квартирали уйлардаги иситиш тизимларини реконструкция қилиш.	“Ақли” ҳисоблагичларни ўрнатиш ва иссиқлик трассалари участкасидаги 2 км қувурларни энергия тежайдиган қувурларга алмаштириш билан Чирчиқ шаҳридаги 15 та кўп квартирали уйлардаги иситиш тизимларини реконструкция қилиш.	2020 йил декабрь	УЖКХКВ (М. Салиев)	Вазирлар Маҳкамаси (А. Раматов)
18.	“ЖАЙКА” агентлигининг 780 млн АҚШ доллари миқдордаги маблағларини жалб қилиш ҳисобига Бухоро, Фарғона, Қувасой, Нукус ва Урганч	Бухоро, Фарғона, Қувасой, Нукус ва Урганч шаҳарларининг иситиш тизимларида когенерация ускуналарни ўрнатиш учун 780 млн АҚШ доллари миқдордаги имтиёзли кредитларни	2020 йил декабрь	УЖКХКВ (М. Салиев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	Вазирлар Маҳкамаси (С. Умурзоков)

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъуллар	
				Ижро учун	Назорат учун
	шаҳарларининг иситиш тизимларида когенерация ускуналарни ўрнатиш.	жалб қилиш бўйича “ЖАЙКА” агентлиги билан музокаралар ўтказиш ҳамда қарз битимларини расмийлаштириш.		(Ш. Вафаев)	
19.	Ангрен ва Ширин шаҳарларининг иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш бўйича лойиҳани амалга ошириш учун халқаро молия институтларининг 115 млн АҚШ доллари миқдордаги маблағларини жалб қилиш.	1. Ангрен ва Ширин шаҳарларининг иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш бўйича лойиҳани амалга ошириш учун 115 млн АҚШ доллари миқдордаги имтиёзли кредитларни жалб қилиш бўйича халқаро молия институтлари билан музокаралар ўтказиш. 2. Қарз битимини расмийлаштириш.	2020 йил сентябрь 2020 йил декабрь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш. Вафаев), УЖКХКВ (М. Салиев)	Вазирлар Маҳкамаси (С.Умурзаков)
20.	2021 йилда жами қуввати 565 МВт бўлган иссиқлик электр станцияларидаги эскирган энергия блокларини (2 таси Тахиатош ИЭСда, 1 тадан Навоий ИЭС ва Тошкент ИЭСда) фойдаланишдан чиқариш бўйича дастурни тасдиқлаш.	Иссиқлик электр станцияларидаги эскирган энергия блокларини фойдаланишдан чиқариш бўйича дастурни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2020 года август	Энергетика вазирлиги (А. Султанов)	Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Саматов)
21.	Нефть-газ ва электр энергетикаси тармоқлари бўйича инвестиция лойиҳаларини кейинги йилга ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.	1. Нефть-газ ва электр энергетикаси тармоқлари корхоналари томонидан бажарилаётган қурилиш ишларини хатловдан ўтказиш ҳамда ишлаб чиқариш-технологик жараёнлар билан боғлиқ бўлмаган қурилиш объектларини кейинги йилга ўтказиш бўйича таклифларни тайёрлаш.	2020 йил август	Энергетика вазирлиги (А. Султанов)	Вазирлар Маҳкамаси (Д.Кучкаров, Ш.Саматов)

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъуллар	
				Ижро учун	Назорат учун
		2. Таклифни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2020 йил сентябрь		
22.	Нефть-газ ва электр энергетикаси тармоқлари корхоналари томонидан жалб қилинган халқаро молия институтлари кредитлари бўйича ўз вақтида тўловларни таъминлаш бўйича чоралар кўриш.	1. Нефть-газ ва электр энергетикаси тармоқлари корхоналарида технологик жараёнлар билан боғлиқ бўлган харажатларни мақбуллаштириш ҳисобига халқаро молия институтларининг кредитларини қайтариш бўйича таклифлар киритиш. 2. Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.	2020 йил август	Энергетика вазирлиги (А. Султанов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов)	Вазирлар Маҳкамаси (С. Умурзаков, Д. Кучкаров, Ш. Саматов)
23.	Иқтисодиёт тармоқлари саноат корхоналарининг, шу жумладан электр энергияси ва табиий газ учун ўзаро қарздорликларини қисқартириш бўйича аниқ таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Саноат корхоналарининг ўзаро қарздорликлари суммасини аниқлаш ва молиялаштиришнинг оптимал йўлини танлаш.	2020 йил август	Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Энергетика вазирлиги (А. Султанов)	Вазирлар Маҳкамаси (Д. Кучкаров)
24.	Уч сменада ишлаётган тадбиркорлик субъектлари учун кечки сменада электр энергияси тарифларини 1,5 бараварга камайтириш масаласини ўрганиш.	1. Аниқ мезонлар ва талабларни кўрсатган ҳолда уч сменада ишлаётган тадбиркорлик субъектлари рўйхатини шакллантириш. 2. Тадбиркорлик субъектлари томонидан электр энергияси истеъмолнинг таҳлилини ўтказиш. 3. Истеъмол қилинаётган электр энергияси ҳажми ўзгаришининг электр энергия ишлаб чиқарувчи корхоналарга таъсирини аниқлаш.	2020 йил август 2020 йил сентябрь 2020 йил сентябрь	Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Б. Абдиназаров), Энергетика вазирлиги (А. Султанов) Молия вазирлиги (Т. Ишметов)	Вазирлар Маҳкамаси (Д. Кучкаров)

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъуллар	
				Ижро учун	Назорат учун
		4. Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2020 йил октябрь		
25.	Коммунал ва энергетика секторлари корхоналарининг айланма маблағларини кўпайтириш учун Европа тикланиш ва тараққиёт банкидан 100 млн АҚШ долларини жалб қилиш.	Коммунал ва энергетика секторлари корхоналари учун маблағ ажратиш масаласи бўйича Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан музокаралар ўтказиш.	2020 йил ноябрь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш. Вафаев), УЖКХКВ (М. Салиев), Энергетика вазирлиги (А. Султанов)	Вазирлар Маҳкамаси (С. Умурзаков)
26.	Ижтимоий соҳа объектларида қайта тикланувчи энергия манбаларини ўрнатиш учун Глобал экология жамғармаси ва бошқа халқаро молия институтларининг грант маблағларини жалб қилиш.	1. Глобал экология жамғармаси ва бошқа халқаро молия институтларининг грантларини жалб қилиш учун аниқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш. 2. Ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида музокараларни ташкиллаштириш ва ўтказиш.	2020 йил август 2020 йил ноябрь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ш. Вафаев), Энергетика вазирлиги (А. Султанов), Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Б. Абдиназаров)	Вазирлар Маҳкамаси (С. Умурзаков)
27.	Хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда энергетика менежменти соҳасида ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, йирик ташкилотларнинг раҳбар ва ходимларини Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби базасида ўқитиш.	1. Юқори энергия истеъмолига эга ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари ва ходимларининг энергия менежменти соҳасида малакасини ошириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш.	2020 йил август	Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (И. Норкулов) “Ўзстандарт” агентлиги (Д. Саттаров), Энергетика	Вазирлар Маҳкамаси (Д. Кучкаров)

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъуллар	
				Ижро учун	Назорат учун
		2. Малакали мутахассисларни танлов асосида танлаб олиш ҳамда тасдиқланган режага мувофиқ 10 кишидан кўп бўлмаган гуруҳларда ўқитишни ташкил этиш.	2020 йил декабрь	вазирлиги (А. Султанов)	
28.	Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш бўйича лойиҳалар доирасида саноат корхоналари орасида Жаҳон банкининг 200 млн АҚШ долларини тақсимлаш.	1. Лойиҳада иштирок этаётган тижорат банклари кесимида тасдиқланган маблағларни ўзлаштириш жадвалини қайта кўриб чиқиш. 2. Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш бўйича лойиҳани амалга ошириш учун вилоят ва туман даражаларида тижорат банкларида масъул шахсларни тайинлаш.	2020 йил август 2020 йил сентябрь	Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Б. Абдиназаров) Энергетика вазирлиги (А. Султанов) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш. Вафаев)	Вазирлар Маҳкамаси (Д. Кучкаров)
29.	Юкламаларни моделлаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш, қайта тикланувчи энергия манбаларига таъсирини тартибга солиш учун зарур қувватларни баҳолаш, энергия тизимининг барқарорлигини таҳлил қилиш, шунингдек, мамлакатнинг энергия тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.	1. Ишлаб чиқариш харажатларини соатма-соат моделлаштиришни назарда тутувчи энергия блокларининг юкламаси ва иқтисодий диспетчерлаштириш жадвалини моделлаштириш. 2. Оқим, қисқа туташув ва электр энергияси сифатини тақсимлашни ўз ичига олувчи ўрнатилган энергия тизими режимини таҳлил қилиш. 3. Тизимнинг динамик барқарорлигини таҳлил қилиш.	2020-2021 йиллар	Энергетика вазирлиги (А. Султанов), Инновация вазирлиги (И. Абдурахмонов)	Вазирлар Маҳкамаси (Ш. Саматов)

**Ёқилғи-энергетика ресурслари жами йиллик истеъмоли икки минг тоннадан ортиқ шартли
ёқилғи ёки бир минг тоннадан ортиқ мотор ёқилғиси бўлган корхоналарни мажбурий энергетик
текширувдан (энергия аудитидан) ўтказишнинг 2021–2022 йиллар даврига мўлжалланган
жадвали**

Т/р	Т/ р	Истеъмолчининг номи	Фаолият тури	Бир йиллик ўртача электр энергияси истеъмоли		Бир йиллик ўртача табиий газ истеъмоли		Бир йиллик ўртача нефть маҳсулоти истеъмоли		Жами шартли ёқилғининг ўртача истеъмоли	Текширув ўтказилиш даври		
				кВт.с	(т.ш.ё)	м ³	(т.ш.ё)	тонна	(т.ш.ё)	(т.ш.ё)	2020	2021	2022
Жами республика бўйича 285 та корхоналар				18 662 321 918	2 295 466	16 840 644 978	22 461 920	142 816	205 154	24 962 540	65	118	101
I Қорақалпоғистон Республикаси													
1.	1.	“Qongiroi Natriy Sulfat” ШК	йўл қурилиши	2 748 763	338	5 529 654	6 414	0	0	6 752		+	
2.	2.	Нукус КФҚ	ҳарбий қисм	634 000	78	3 497 865	4 058	49	70	4 206			+
3.	3.	“Турон-Ходжели” АЖ	ёғ-мой комбинати	3 487 472	429	2 700 718	3 133	95	136	3 697			+
4.	4.	“Ustyurt Sodium Sulfate” МЧЖ	ишлаб чиқариш	1 089 773	134	2 592 207	3 007	32	46	3 187		+	
5.	5.	УЧР УЯ 64/71	муассаса	2 424 180	298	2 392 700	2 776	0	0	3 074			+
6.	6.	“Три-А” МЧЖ	оҳак ишлаб чиқариш	183 840	23	1 906 413	2 211	0	0	2 234			+
7.	7.	“Bo'ston Cluster” МЧЖ	тўқимачилик саноати	3 035 720	373	111 330	129	1 150	1 645	2 147			+
8.	8.	“Karakalpak Sement” МЧЖ	цемент ишлаб чиқариш	17 247 485	2 121	0	0	0	0	2 121		+	
9.	9.	Ту Лей МГҚБ	нефть маҳсулоти	2 641 908	325	7 514 228	8 717	82	117	9 158	+		
10.	10.	Қўнғирот ИСТБ	ишлаб чиқариш	21 859 379	2 689	223 989	260	173	247	3 195		+	
